

Ўзбекистоннинг миллий тараққиётга қаратилган бош ғояси-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бинобарин, озод ва обод давлатнинг фуқаролари комиллик сари интилиб яшаш мақсадини ўз олдига қўяди. Юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий ва касбий асослари тўғрисида фикр юритиб, истиклол шароитида талаба- ёшларнинг билим асосларини пухта эгаллашлари билан бирга мустақил фикрга эга бўлган, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан чиниққан, касбий маҳоратини мустақил ватанимизнинг равнақи йўлида фидокорона сафарбар эта оладиган руҳда тарбиялаш лозимлигини долзарб вазифа қилиб қўйди.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий барқарорлиги ўша жамият фуқароларининг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва касбий салоҳияти даражасига боғлиқ. Шундай экан, маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан тўлақонли шаклланмаган шахсда ўз ватани, миллати, эгаллаган касб-кори билан фахрланиш туйғуси саёз бўлади. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига хос шарт-шароитларида яққол кўзга ташланмоқда. Бу борада Президент И.А.Каримов “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ-бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик...”¹ эканлигини алоҳида уқтириб ўтган.

Ушбу методологик фикр ва тадқиқот ишланмаларимиздан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, агар ўқувчи ўқув-билув ва тарбиявий фаолиятнинг мақсадини билмаса, тарбиячи-ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларни тушунмайди ҳамда қабул қилолмайди. Ўқувчининг мажбурияти қизиқиш асосида бўлмай, балки мажбурий, сунъий ва лозим бўлса тазйиқ остида содир бўлади. Ўқувчи дарслик мазмунидаги мавзуларни шунчаки кўр-кўрона “ўрганиш”га ёки айрим муносабатларни қуруқ ёдлаб олишга мажбур бўлади. “Ўқитувчи-ўқувчи ” ва “Тарбиячи-тарбияланувчи” муносабати “субъект-субъект” муносабатлар даражасига кўтарилмас экан, ўқувчида тарбия жараёнига ва билим, кўникма, малакаларини эгаллашга нисбатан бефарқлик вужудга келади. Олиб бораётган изланишларимиз ўқувчининг шахсий, субъектив тафаккури ривожига асосланган мустақил фикрини шакллантириш учун тарбиячининг касбий фаолиятини технологиялаштириш, педагогика фанида ечимини кутаётган долзарб муаммо эканлигини таъкидлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баркамол шахс тарбияси, унинг маънавий-ахлоқий асослари, таълим-тарбиянинг бирлиги ва унинг миллий ҳамда умуминсоний моҳияти, мустақиллик йилларида миллий-маънавий қадриятларимизни тиклашга қаратилган амалий ҳаракатлар мазмуни атрофлича ёритилган.

Ҳ.Абдукаримов, Н.Н.Азизхўжаева, Х. Ибрагимов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.Очилов, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, М.Қуронов, О.Ҳайдарова, Ж.Ҳамидов, Т.Ғоффорова ва бошқа педагог олимларнинг ишларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига тадбиқи, шахс камолоти, ундан маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари таҳлил этилган. Мавжуд адабиётлар таҳлили узлуксиз таълим тизимида ҳозирга қадар тарбия технологиясига оид фундаментал тадқиқотлар ва концептуал ечимлар ўз ифодасини топмаганлигини кўрсатди.

Айниқса тарбия технологиясини амалга татбиқ этувчи субъект- тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштириш муҳим илмий педагогик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган

¹Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.: Маънавият. – 2008 й

Шундан келиб чиқиб, тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштиришнинг маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқишни ўз одимизга мақсад қилиб қўйдик.

Унинг асосий вазифалари

1. Мавзуга оид илмий-педагогик манбалар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш орқали муаммонинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш.
2. Тарбия технологияси ва тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштириш-нинг мавжуд ҳолатини ўрганиш.
3. Тарбиячи касбий фаолияти технологиясини тавсифлашнинг ўзига хос мазмуни, восита ва йўл-йўриқларини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда яхлит тизимини ишлаб чиқиш.
4. Тарбиячининг касб фаолиятини технологиялаштиришга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Бунда қуйидаги принципларга амал қилинади:

1. Тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштиришнинг инсонпарварлик мақсадига йўналтирилганлиги;
2. Тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштиришнинг иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги;
3. Шахснинг шаклланишида тарбия ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг изчиллиги;
4. Тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштиришнинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги;
5. Тарбиячиг касб фаолиятини технологиялаштиришда ҳар бир ёш даврига хос қонуниятларнинг ўзаро узвийлиги;
6. Тарбиячиг касб фаолиятини технологиялаштиришда ташаббус, эркинлик ва ижодкорликнинг бирлиги;
7. Тарбия, таълим ва ривожланишнинг яхлитлиги;
8. Тарбия асосида таълим беришнинг устиворлиги;

Тадқиқот иши қуйидаги методларига асосланади:

- | | |
|-------------------------------------|--|
| 1. Кузатиш (бевосита ва билвосита); | 7. Статистик-математик; |
| 2. Суҳбат; | 8. Анкета; |
| 3. Диагностик; | 9. Тест; |
| 4. Прагностик; | 10. Тарбияланувчининг ижодий ишларини ўрганиш; |
| 5. Монографик; | |
| 6. Педагогик квалиметрия; | |

Тадқиқот ишини илмий фарази.

Агар: - узлуксиз педагогик таълим тизимида тарбия жараёни изчил тизим асосида маънавий-ахлоқий янгиланиш ва миллий истиқлол ғоялари асосида ташкил этилса;

- тарбия технологияси тарбиячи ва ўқитувчи фаолиятига узвий равишда йўналтирилса;
- ҳар бир тарбияланувчи ўз фаолиятида тарбия субъектига айланса;
- тарбиявий тадбир ўрнида технологик талаблар асосида тайёрланган “Тарбиявий иш” амалга оширилса;
- тарбиянинг заминида тарбиячи фаолиятини технологиялаштиришнинг маънавий-ахлоқий асослари яратилса;
- касбий педагогик маҳоратнинг кафолатли натижалари янги технологиялар ривожига асос бўлиб хизмат қилса, тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштириш жараёни самарали бўлади.

Замонавий педагогик технологияларни тарбия жараёнига олиб кириш учун тарбиячи ўзининг касб фаолиятини тўлақонли технологиялаштириш имкониятини

ахтармоғи лозим. Маълумки, «технология» асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тушунча. Тарбиячи касб фаолиятини технологизациялаштириш бирон маҳсулотни ишлаб чиқариш дегани эмас, аксинча, инсонни иштимой ҳаётга тайёрлаш дегани. Ҳар қандай шахс ижтимоий ҳаётга тайёр бўла олсагина, ана шундан сўнг у хоҳлаган меҳнат фаолияти турида эркин ва фаол қатнашиш имкониятига эга бўлади. Бирон хил маҳсулот ишлаб чиқариш ёки унга хизмат қилиш шарт-шароити яратилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тарбиячи касб фаолиятини технологиялаштиришни илмий асосга қўйиш, шахсини ижтимоийлаштириш, ҳамда маънавий-ахлоқий ва касбий баркамолликка эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Баркамол шахс тарбиясида тарбиячининг касбий фаолиятидаги ўрни илмий - педагогик жиҳатдан тўлақонли асослаб берилиши долзарб муаммо ҳисобланиб, бу борада оила мактаб ва маҳалла каби ижтимоий институтларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратиш лозим. Ўзаро ҳамкорликка интегратив ёндашувлар маҳсули ўлароқ тарбия назарияси ва амалиётида глобал профессионализм муайян «технологик ходисалар» ни вужудга келтирмоқда. Бу жараён тарбиячи касб фаолиятини технологизациялаштиришда инновацион – креатив қобилият талаб этади.